O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ватан ҳимояси - иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР


УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 26 февраль, пайшанба № 24 (1912).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 26 февраля, 2004 г. № 24 (1912).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.


## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 февраль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Доналд Рамсфелдни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу ташриф Ўзбекистон—АҚШ муносабатлари тобора ривожланиб бораётганидан яна бир далолат ва икки томон учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бозор муносабатлари ва демократия тамойилларини қарор топтириш ва мустаҳкамлашда ҳам АҚШ Ўзбекистонни қўллаб-қувватламоқда. Булар баробарида икки мамлакат халқаро терроризмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келаётир. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатларимиз оммавий қирғин қуролларини, уларнинг таркибий қисмларини, технологияларини ва шундай қурол ясаладиган материалларни тарқатмаслик соҳасида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу борада мунтазам равишда ахборот ва маълумотлар алмашиб турилади.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорлик Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида ушбу мамлакатга расмий ташрифи давомида расмийлаштирилган эди. АҚШдан келтирилаётган ҳарбий ускуналар, алоқа, кузатув, аниқлаш ва ҳимоялаш қурилмалари, тиббиёт анжомлари, соҳада ишлатиладиган бошқа замонавий техника ва транспорт воситалари ҳарбий соҳада ҳам алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини кўрсатади. Чунончи, яқинда мамлакатларимиз чегарачиларига умумий қиймати 1,1 миллион АҚШ долларидан зиёд транспорт воситалари ва ускуналар тақдим этилди. Бу борадаги ишларни давом эттириш режаси анча салмоқли ва узоқ муддатга мўлжалланган.

Мамлакатларимиз ҳарбийлари қўшма семинарлар, машқлар ўтказмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар АҚШда малака оширмоқда. Бу кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик яхши ривожланаётганидан далолатдир.

АҚШ мудофаа вазирининг бу галги ташрифидан мақсад — ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоқалари доирасидаги ишлар билан яқиндан танишиш, келгусида биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган бошқа тадбирлар борасида фикрлашиб, янги имкониятларни ўрганишдан иборатдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида икки томонлама алоқалар, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга оид масалалар, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Пентагон раҳбари Д. Рамсфелд самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон—АҚШ ҳамкорлиги изчил ривожланиб боравеpишини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА).**

● ВАТАН МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛГАНЛАР

## ЖАҲОНГИРНИНГ УМИДЛАРИ

**Гуруҳ командири катта лейтенант Жаҳонгир Қодиров Қуролли Кучларимиз 12 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланганини хизматдошлар катта мамнуният ила қабул қилишди. Чунки ёш офицер ўзининг ҳарбий қисмида нафақат меҳнаткашлиги билан, балки энг илғор бўлинма сардори бўлганлиги билан ҳам тан олинганди.**



Ҳарбий қисмга келган кунимизда ҳам бизга «Қодиров ҳали полигонда, деган хабар берилди. Аммо, омадимиз бор экан, бир оздан сўнг «разведкачи»лар полигондан қайтаяпти», деган гапни эшитиб, кутишга қарор қилдик.

Ниҳоят, қаҳрамонимиз билан учрашадиган вақт ҳам келди. Кутганимиздек, алпқомат йигит бўлиб чиқмади — бўйи ҳам ўртача экан, Жаҳонгирнинг. Гавдаси ҳам кўпчилик орасида ажралиб турмас экан. Оддийгина йигитнинг Ватанимиз юксак мукофотига муносиб топилгани сабабларини унинг хизмат фаолиятидан излашдан бошқа чорамиз қолмади.

Наманган шаҳрида туғилиб ўсган Жаҳонгир 2000 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти десантчилар факультетини тамомлаб, ушбу ҳарбий қисмда хизматини бошлаган. Умуман олганда, разведкачилик касбига ундан ҳам олдин меҳр қўйганди — 1993-1995 йилларда у разведкачилар жамоасида муддатли хизматини ўтаган вақтларида ҳарбий касб эгаси бўлишни орзу қиларди.

**(Давоми 2-бетда).**

## КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг «Меҳр ва мурувват йили» дастури ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Жорий йил Юртбошимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилингани маънавий-маърифий ишларни янада кенгайтириш учун муҳим омил бўлгани таъкидланди. Миллий ғурур, миллий ифтихор ва халқимизга хос меҳр-мурувват туйғуларини аҳоли, айниқса, ёшлар қалбига чуқур сингдиришнинг янгича, таъсирчан усулларини кенгроқ жорий этиш зарур. Бу борада амалий ишларга алоҳида эътибор қаратиш, жумладан, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳузурида бўлиш, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож фуқаролар ҳолидан доимо хабардор бўлиб бориш, айниқса муҳимдир. Зеро, мамлакатимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари, адабиётшунос И. Ғафуров ва бошқалар Меҳр ва мурувват йили муносабати билан белгиланган тадбирларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни четдан кириб келаётган зарарли оқимлар таъсиридан асраш, азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари Маънавият ва маърифат кенгашларининг бу борада олиб бораётган ишлари таҳлил этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А. Мелибоев сўзга чиқди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## „Бритиш Американ Тобако“ вакиллари Ўзбекистонда

«Бритиш Американ Тобако» компаниясининг Европа минтақаси бўйича бошқарувчи директори, мазкур компания бошқаруви аъзоси Бен Стивенс раҳбарлигидаги делегация вакиллари 25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов билан учрашди.

Томонлар «ЎзБАТ» қўшма корхонасининг 2001—2003 йиллардаги фаолияти якунларини сарҳисоб қилиб, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар хусусида фикр алмашди. Ўзбекистон билан «Бритиш Американ Тобако» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда мамлакатимизда хориж инвестицияси учун яратилган кенг шароит муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳамкорлик бошланган 1994 йилдан буён «Бритиш Американ Тобако» Ўзбекистон иқтисодиётига 292,4 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритди. Қўшма корхонадан эса бюджетга 460 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда маблағ келиб тушди.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Ўзбекистон бозорида ноқонуний сотилаётган тамаки маҳсулотларининг улуши 25—30 фоизгача етади. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, мамлакатимиз бюджетига келиб тушаётган тушумлар миқдорининг пасайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Учрашувда тамаки маҳсулотлари контрабандасига қарши курашни янада кучайтиришга оид масала ҳам муҳокама этилди.

**Ф. АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

● КОНФЕРЕНЦИЯ

## СЕРЖАНТЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ТАРБИЯЛАШ МУҲИМ ВАЗИФА

Аввал хабар берганимиздек, 25 февраль куни Офицерлар марказий уйида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида сержантларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини, уларда етакчилик хусусиятини шакллантириш» деган мавзуда конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Қуролли Кучлар раҳбарияти, командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, илғор сержантлар, давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар иштирок этишди.

Конференция аввалида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шарқий ҳарбий округдаги сержантлар тайёрлаш мактабида бўлганлиги тўғрисидаги видеолавҳа намойиш этилди.

Конференцияда бир нечта маърузалар тингланди ва улар бўйича мунозаралар бўлди. Кўплаб амалий таклифлар ўртага ташланди.

**Подполковник**
**Абдураззоқ ОБРЎЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

**(Конференция иши тўғрисидаги батафсил маълумот газетамизнинг навбатдаги сонларининг бирида берилади).**

● ФУТБОЛ. ЛИГА ЧЕМПИОНОВ АЗИИ

# НЕОБХОДИМО ВНОСИТЬ КОРРЕКТИВЫ

**«Нефтчи» (Узбекистан) — «Аль-Иттихад» (Саудовская Аравия) — 1:3.**

Выступление лидеров нашего футбола в самом престижном турнире Азии— Лиге чемпионов — успешным пока никак не назовешь. И «Пахтакор», и «Нефтчи» свои стартовые поединки против команд Ирана откровенно провалили. Особенно это касается нефтяников, проигравших клубу «Сепахан» с разгромным счетом 4:0. Две недели тому назад это поражение многие, в том числе и руководство клуба, пытались объяснить тем, что сезон, мол, только начинается, а потому отсутствует игровая практика, а также определенными потерями в составе команды. Болельщики восприняли это с пониманием, надеясь, что в дальнейшем дела наладятся, тем паче, что поединок против чемпиона Саудовской Аравии — «Аль-Иттихада» — ферганцы проводили у себя дома, где их поддерживала многотысячная аудитория. Однако и на сей раз разочарованию не было предела.

С появлением на поле опытного защитника Сергея Лебедева и несомненно талантливого нападающего Умида Исакова, казалось, ряды ферганцев заметно окрепли, но уже первые минуты игры показали, что определенные проблемы ферганцы все же испытывают. Наставник «Нефтчи» Юрий Саркисян, как и ожидалось, сделал ставку на атаку, однако, как показала игра, и гости не намерены были отсиживаться в обороне. Они умело использовали каждую возможность для контратаки и первыми открыли счет. И сделали это за счет активных действий в середине поля и, конечно, не без «помощи» наших защитников, которые ошибались, что называется, на ровном месте. К чести ферганцев, обескураживающее начало не надломило их, и они принимали одну попытку за другой, чтобы восстановить равновесие. В середине первой половины игры им это удалось. Воспользовавшись замешательством гостей при выполнении стандартного положения, Сергей Лебедев точно пробил, чем застал врасплох вратаря «Аль-Иттихада». Трибуны облегченно вздохнули, теша себя надеждой, что этот успех получит продолжение. И, надо сказать, у ферганцев было несколько возможностей для взятия ворот, однако на завершающей стадии им не хватало точности, а может быть, и элементарного везения. Более того, зачастую они настолько увлекались атакующими действиями, что напрочь забывали об обороне, за что и были еще дважды наказаны в этом матче.

Подводить итоги выступлений «Нефтчи» в Лиге чемпионов пока что, может быть, преждевременно, поскольку впереди еще четыре раунда, однако определенные выводы напрашиваются сами собой. Руководству команды необходимо срочно вносить коррективы в действия своих футболистов, в противном случае серия неудач может затянуться, особенно если учесть, что следующий матч против чемпиона Кувейта — клуба «Аль-Араби» — они проводят в гостях.

Вчера вторую попытку в этом турнире сделал и «Пахтакор», принимавший на своем поле команду «Катар СК». Ташкентские футболисты одержали скромную победу — 1:0. Гол на счету Алексея Николаева.

Ярослав КОРУКА.

● ТЕЛЕАНОНС

## «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

7 марта в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат қиламан».

Этот выпуск посвящен боевой учебе воинов-узбекистанцев. В передаче авторы расскажут и о том, как наряду с мужчинами с выполнением учебно-боевых задач успешно справляются и военнослужащие-женщины. Также в этой передаче традиционно прозвучат и актуальные темы в постоянных рубриках, полюбившихся телезрителям.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 9 марта, в 16.55.

Наш корр.

### ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 21

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Дельта. 6. Сеттер. 9. Радикулит. 12. Депутат. 13. Интрига. 14. Анчар. 16. Пакгауз. 19. Семга. 23. Удав. 24. Туба. 25. Киргиз. 26. Сапфир. 27. Наст. 28. Опус. 29. Шалфей. 31. Компас. 33. Цвет. 34. Утка. 35. Чекан. 36. Бандура. 39. Наряд. 43. Угонщик. 44. Облатка. 47. Горожанин. 48. Шлягер. 49. Январь.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Детина. 3. Арбуз. 4. Чистик. 5. Кузина. 6. Старт. 8. Ракита. 10. Педагог. 11. Углекоп. 15. Назидание. 17. Авансцена. 18. Узурпатор. 20. Галиматья. 21. Кузница. 22. Рассказ. 30. Фаланга. 32. Мазанка. 35. Чардаш. 37. Наклон. 38. Урожай. 40. Деверь. 41. Онагр. 42. Басня.

**ПО ДУГАМ:** 2. Лифт. 7. Трюк. 45. Дыня. 46. Елка.

## КРОССВОРД



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Состязание для настоящих байкеров. 8. Совокупность предметов. 9. Подельщица вертикали. 10. Американский астронавт. 11. Участник корриды. 12. Овечий начальник. 13. Сельскохозяйственная машина. 16. Видит только недостатки. 18. Плавник рыбы (спец.). 19. Ощущение пестроты. 22. Поручитель. 24. Рыба-ползун. 28. Рыболовная сеть. 29. Овощ. 30. Строение-хранилище во дворе. 31. Ткань. 32. Интеллигентный прибамбас. 33. Один из «Машины времени».

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 2. На голове азиата. 3. Привычный уклад жизни. 4. Приседание из минувших веков. 5. Небольшая озерная рыбка. 6. Мастер по глине. 7. Порядок букв. 14. Травянистое растение. 15. Стрелковое оружие. 16. Бой тореадора с быком. 17. Букетное искусство. 20. Фигура для примерки и показа платьев. 21. Африканский аист. 23. Группа лиц, осуществляющая наблюдение за кем-, чем-нибудь. 25. Перекладина в курятнике. 26. Вид теплицы. 27. «Их бояться—в лес не ходить» (посл.).

Составила З. ИСАКОВА.

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН.** Дни удачны для уединения и отдыха, а также для интеллектуальных изысканий. Вторник может оказаться днем высокой работоспособности, на ваши успехи может обратить внимание начальство, вероятен карьерный рост. Проявите внимательность и понимание к окружающим. В воскресенье желательно быть в стороне от событий.

**ТЕЛЕЦ.** Старайтесь не принимать скоропалительных решений. Избавляйтесь от старого и ненужного. Вероятны незначительные конфликты, которые могут быть вызваны вашей вспыльчивостью и желанием делать все по-своему. Могут возобновиться отношения с кем-то из старых друзей. Вероятен успех у людей творческих профессий.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Вполне можете рассчитывать на успех в профессиональных и личных начинаниях. Многое можете успеть сделать, если не будете отвлекаться на самолюбование. Возможны проблемы во взаимоотношениях с коллегами по работе. Не стоит допускать разболтанности и расточительства, хорошо бы составить четкий план и неукоснительно ему следовать.

**РАК.** Большая часть проблем будет преодолена. Вероятна удачная поездка или подготовка к ней. Лучше отдыхать и повременить с началом новых дел. Могут проявиться скрытые способности. Четверг может настроить вас на принятие кардинальных решений. Интересные идеи могут возникнуть внезапно, постарайтесь не отвергать их сразу, среди них будут полезные.

**ЛЕВ.** Возможно все: и заманчивые перспективные предложения, и популярность в своем окружении, и поддержка влиятельных людей. Вторник может быть связан с искушением новизной. Постарайтесь не обострять отношений с коллегами по работе, и тогда во всем будете успешны.

**ДЕВА.** Многие планы, связанные с работой, удастся воплотить в жизнь. Возможны проблемы юридического характера, но волнения будут беспочвенными. Благоприятная неделя для установления связей с людьми, они в скором будущем окажутся полезными. На горизонте объявятся и старые друзья. Ожидает программа настолько напряженная, что в четверг и пятницу желательно быть осторожнее с перегрузками.

**ВЕСЫ.** Зебра судьбы решит взбрыкнуть, впрочем, сильно хуже от этого не станет. Все почему-то разом усомнятся в вашей самостоятельности и способности принимать верные решения. Это не доставит удовольствия, зато позволит воспользоваться незапланированной помощью, что значительно ускорит работу. Неделя обещает успех практически во всех начинаниях.

**СКОРПИОН.** Жизненные события станут весьма разнообразными, возможны новые знакомства и новости от друзей. Ощутите прилив энергии, при некотором желании легко окажетесь на пике успеха. Активность будет особенно заметна на фоне всеобщей нерасторопности, которая может здорово раздражать. В четверг вы будете в особенно хорошей форме и переделаете вдвое больше дел, чем запланировали.

**СТРЕЛЕЦ.** Вероятно придется приложить немало усилий, чтобы удержать ситуацию под контролем. Всему виной будет излишняя эмоциональность. Поспокойнее реагируйте на сюрпризы. Среда обещает поднять настроение настолько, что положительных эмоций хватит до конца недели.

**КОЗЕРОГ.** Постарайтесь свое умение идти к цели сочетать с наблюдательностью и гибкостью. Начало любого важного предприятия лучше перенести на среду. Вполне можно прислушаться к советам окружающих, они обещают быть здравыми. Умение найти каждой мелочи достойное применение сослужит отличную службу. Вы достигнете прекрасных результатов и заслужите уважение коллег по работе и начальства.

**ВОДОЛЕЙ.** Понедельник обещает быть удачным для общения с родственниками за праздничным столом. Если вторник не будет слишком загружен работой, лучше его провести в компании друзей. На обещания, которые будут получены в субботу, особо полагаться не стоит. Воскресенье — прекрасный день для проведения научных исследований и экспериментов.

**РЫБЫ.** Неделя обещает быть яркой, если не по результату деятельности, то, как минимум, по своему эмоциональному накалу. Сейчас самое время отбросить надоевшие дела и отправиться на поиски новых впечатлений. Особенно подходящим для этого может оказаться понедельник. В субботу желательно проявить осмотрительность.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУҚАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56 54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қунаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 067.